В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖАМУРАТОВА ИНДИРА АЗАТОВНА

УНИВЕРСАЛ АЛГЕБРАЛАРНИНГ АЛГОРИТМИК ТАСВИРЛАРИ УСТИДА ҲИСОБЛАНУВЧИ САНАЛУВЧИ ТОПОЛОГИК ФАЗОЛАР

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 510.5+510.6

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖАМУРАТОВА ИНДИРА АЗАТОВНА

УНИВЕРСАЛ АЛГЕБРАЛАРНИНГ АЛГОРИТМИК ТАСВИРЛАРИ УСТИДА ҲИСОБЛАНУВЧИ САНАЛУВЧИ ТОПОЛОГИК ФАЗОЛАР

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/FM594 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Касимов Надимулла Хабибуллаевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Файзрахманов Марат Хайдарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Худойбердиев Аброр Хакимович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	С.Л.Соболев номидаги Математика институти (Россия)

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 10 » январ соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174,Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (155-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40.

Диссертация автореферати 2022 йил « 26 » декабр куни тарқатилди.
(2022 йил « 26 » декабрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.А.Омиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда абстракт моделларнинг самарали алгоритмик тасвирларини топиш ва уларни алгебраик хоссаларини ўрганиш алгоритмлар назариясида ва «Computer Science» фанларида долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Математика ва табиий фанларда универсал алгебралар ниҳоятда катта аҳамиятга эга ва шунинг учун ҳам универсал алгебраларни алгоритмик ва алгебраик хоссаларини ўрганиш эҳтиёжи ошиб бормоқда. Универсал алгебраларни алгоритмик, топологик ва алгебраик хоссалари назарий информатикада самарали ва кенг қўлланилиши назарда тутилмоқда. Универсал алгебраларни муҳим синфлари учун яхши ва самарали алгоритмик тасвирлари топилса улар ҳам математик мантиқ нуқтаи назаридан янги натижаларни ёритади, ҳам Computer Science фанларида амалга оширилади (жумладан, маълумотларнинг абстракт турларида, алгебраик спецификациялашда, объектга мўлжалланган дастурлашда).

А.И.Мальцев томонидан фақат чекли индексли нолдан фарқли конгруэнцияга эга бўлган чекли ҳосил қилинган алгебраларнинг барча позитив нумерлашлари ҳисобланувчи бўлиши кўрсатилган, бу эса умумий ҳолда (чекли ҳосил қилинганлик шартисиз) бу тасдиқ ўринли бўладими деган саволни қўйди. Бевосита ажралмайдиган, артин конгруэнцияли ва трансляцион деярли тўлалик ҳоссаларига эга барча ҳисобланувчи ажралувчи тасвирга эга алгебралар T_4 −фазолар ҳисобланади. Ажралувчи тасвирлар учун, бу ҳоссаларга эга бўлган барча нумерлашлар ҳисобланувчи саналувчи ажралувчи бўлади, яъни Π_2^0 синфида ётади. Лекин, $\Pi_2^0 \setminus \Pi_1^0$ айирмасида ётадиган минималлик шартига эга алгебраларнинг ажралувчи тасвирларининг мавжудлиги саволи узоқ вақтлардан бери очиқ қолиб келмоқда.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга долзарб йўналишлардан бири бўлган алгоритмлар назарияси ва математик мантиқнинг структуравий назариясини тадқиқ этишга алоҳида эътибор кучайтирилди. Маълумки, алгоритмлар назариясининг асосий синфлари ҳисобланувчи ажралувчи алгебралардир. Фиксирланган универсал алгебралар учун унинг ҳар хил алгоритмик тасвирларини топиш ва улар орасидаги муносабатларни ўрганиш муаммоси классик ҳисобланиб, ҳусусан, яхши тасвирларнинг (масалан ҳисобланувчи) мавжудлиги ва уларнинг сони (яъни ягоналиги, ҳисобланувчи изоморфизм аниқлигигача). Охирги йилларда универсал алгебраларнинг яхши алгоритмик тасвирларини топишга оид салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра, алгоритмлар назарияси ва ҳисобланувчилик назарияси» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори

Қарорнинг ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида чекли шартли ҳисобланувчи ажралувчи универсал алгебраларнинг алгоритмик тасвирларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. А.И. Мальцев томонидан киритилган нумерланган алгебра тушунчаси – нумерлаш назарияси ва универсал алгебралар назариясидаги марказий тушунчалардан бири ҳисобланади. Бу йўналишда, энг аввало, замонавий математик мантиқнинг кенг ривожланган бўлими ҳисобланган конструктив ва позитив алгебраларни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Нумерлаш назариясида ажралиш тушунчасини қўллаш ғояси В.А.Успенски ва А.Нероудуга тегишли бўлса, бу тушунча А.И.Мальцев ва Ю.Л.Ершов ишларида ривожландирилган. Алгоритмлар назариясида ажралишнинг классик шарти ҳисобланувчи ажралиш шарти ҳисобланади.

Бу факт алгебраларнинг ажралувчи нумерлашга эга бўлишининг аҳамиятли эканини кўрсатади, яъни улар орасида ҳисобланувчи саналувчи ажралувчи алгебралар фундаментал роль ўйнайди, чунки нумерланган алгебра фақат ва фақатгина ҳисобланувчи саналувчи ажралувчи нумерланган алгебралар билан аппроксимирланган бўлса ажралувчи бўлади. Ю.Л. Ершов томонидан ажралувчи нумерлашларнинг анча умумийроқ тушунчаси киритилган.

Юқорида айтилган синфлардан олинган нумерланган моделлар ҳақида натижаларнинг ва ҳар ҳил исботлаш методларида принципиал умумий ҳулосалар кам эмас, шу билан бирга жуда кучли ҳоссаларнинг ростлиги нумерлаш эквивалентликларининг мураккаблигига боғлиқ эмас. Вазиятга кенгроқ қараганда бу фактлар ҳисобланувчи ажралувчи нумерланган алгебралар назарияси нуқтаи назаридан қарасак аниқ кўринади. Ушбу назария асосида ва доирасида бир қатор табиий саволлар ечилади, жумладан маълумотларнинг абстракт турларида ва ҳисобланувчи тасвирланувчи моделлар назариясида А.И.Мальцев, В.Баур, Д.Бергстр ва Д.Такер, С.Камин ишлари билан боғлиқ бир қатор саволлар юзага келади. Д.Бергстр ва Д.Такер барча чекли сигнатурага эга бўлган ҳисобланувчи тасвирланувчи чекли ҳосил қилинган алгебраларнинг эквационал спецификация билан бойитилганини исботлаган. Н.Х.Касимовнинг ишларида ҳисобланувчи ажралувчи алгебраларнинг бир қанча кучлироқ эффектив, структуравий ва топологик ҳоссалари ўрганилган ва бу турдаги алгебраларнинг муҳим типлари кўрсатилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Волга федерал округи илмий ва ўқув математика марказининг ривожланиш дастурини амалга ошириш доирасида амалга оширилди (02.02.2022 дан 31.12.2023 йилдаги 075-02-2022-882-сонли шартнома). Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бевосита ажралмайдиган ва транляцион деярли тўла универсал алгебраларнинг топологик хоссаларини исботлаш ва ажралувчи алгоритмик тасвирларини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

трансляцион деярли тўла универсал алгебралар тушунчасини киритиш ва уларнинг классик чекли бўлган алгебралар билан муносабатини аниқлаш;

трансляцион деярли тўла универсал алгебраларнинг барча хаусдорф тасвирлари негативлигини кўрсатиш;

T_1 ажралувчи, лекин хаусдорф бўлмаган трансляцион деярли тўла универсал алгебрага мисол қуриш ва артин панжарали конгруэнцияли бевосита ажралмайдиган алгебранинг мавжуд эканлигини исботлаш;

барча T_1 ажралувчи тасвирлари ҳисобланувчи бўладиган содда алгебрани топиш;

барча чексиз сондаги синфларга эга бўлган эквивалентликларнинг ҳисобланувчи саналувчи фазолари модули бўйича компакт бўладиган чексиз кенгайтмаси топиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ҳисобланувчи саналувчи фазолар, универсал алгебра.

Тадқиқотнинг предмети. Ҳисобланувчилик назарияси, алгоритмлар назарияси, универсал алгебралар ва топологик фазолар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда топологик фазолар назарияси, алгебра ва математик мантиқ усуллари ва универсал алгебралар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

трансляцион деярли тўла универсал алгебралар тушунчаси киритилган ва уларнинг классик чекли бўлган алгебралар билан муносабати топилган ҳамда трансляцион деярли тўла универсал алгебраларнинг барча Хаусдорф тасвирлари негатив бўлиши исботланган;

ажралувчи Хаусдорф бўлмаган трансляцион деярли тўла ва Артин панжарали конгруэнцияли бевосита ажралмайдиган универсал алгебранинг мавжудлиги исботланган;

барча T_1 ажралувчи тасвирлари ҳисобланувчи бўладиган содда алгебранинг мавжудлиги исботланган;

барча чексиз сондаги синфларга эга бўлган эквивалентликларнинг ҳисобланувчи саналувчи фазолари модули бўйича компакт бўладиган чексиз кенгайтмаси мавжуд эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Диссертация иши назарий характерга эга. Унинг натижаларини маълумотларнинг абстракт базаси ва нумерланган алгебралар назариясида қўлланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги натижалар алгебралардаги маълум методлар ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлигига асосланганлиги, олинган натижалар алгебраик кўпхилликларининг маълум натижалари ва тадқиқ этиш усулларидан қатъий фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган илмий натижалар универсал алгебралар назариясида универсал алгебраларнинг ажраладиган алгоритмик тасвирларини топиш учун фойдаланилади ҳамда назарий информатика моҳиятан ажраладиган универсал алгебралар бўлган маълумотлар тузилмаларининг спецификацияси доирасидаги масалаларни ўрганишда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар чеклилик шартлари билан ажраладиган универсал алгебраларга тегишли. Қисман, трансляцион деярли тўла алгебраларнинг ҳар қандай Ҳаусдорфф тасвирларининг негативлиги уларнинг мос мантиқий-математик тилларда адекват тавсифларини қуриш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Универсал алгебраларнинг алгоритмик тасвирлари устида ҳисобланувчи саналувчи топологик фазолар бўйича натижалар асосида:

барча чексиз сондаги синфларга эга бўлган эквивалентликларнинг ҳисобланувчи саналувчи фазолари модули бўйича компакт бўладиган чексиз кенгайтмасидан ОТ-4-27 рақамли «Йордан учликлари олдкўшма фазолари, сиғимлар фазолари тавсифлари ва функцияларни голоморф давом эттириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада JBW-алгебраларнинг олдкўшма фазоларини ва диффереициаллашларини топишда фойдаланилган (Қорақалпоқ давлат университетининг 2022 йил 25 августдаги №01-22-04/376-сонли маълумотномаси). Илмий натижани қўлланиши JBW-алгебраларнинг олдкўшма фазоларини ва чексиз ўлчамли марказий регуляр алгебраларнинг диффереициаллашларини таснифлаш имконини берган;

трансляцион деярли тўла универсал алгебралар классик чекли бўлган алгебралар билан муносабатидан ва трансляцион деярли тўла универсал алгебраларнинг барча хаусдорф тасвирлари негатив бўлишидан 18-11-00028 рақамли «Алгебраик структуралар ва ҳисобланувчилик» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида ҳисоблаш алгебраик структураларида тўпламларнинг табиий синфларини аниқлаш муаммолари билан боғлиқ моделлар назарияси ва структураларнинг чегараланган фрагментларини алгоритмик ҳал қилиш масалаларида фойдаланилган (Қозон Федерал унинверситетининг 2022 йил 6 июлдаги №НП-07/9-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижаларни қўлланиши ҳисобланувчи ажралувчи алгебраларнинг негатив тасвирларини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 85 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳисобланувчи саналувчи ажралувчи нумерланган алгебралар»** деб номланувчи биринчи бобида, эквивалентликлар ва алгебраларнинг алгоритмик тасвирлари, ҳисобланувчи саналувчи фазолар назарияларидан зарур тушунчалар ва ёрдамчи натижалар келтирилган. Ажралувчи ва ҳисобланувчи ажралувчи нумерлашларнинг характеристикалари таснифланган.

Агарда ω натурал сонлар тўпламини ω натурал сонлар тўпламига акслантирадиган барча тўплам буйича аниқланган функциянинг ҳисобловчи алгоритми мавжуд бўлса, унга ҳисобланувчи дейилади. ω натурал сонлар тўпламининг характеристик функцияси ҳисобланувчи бўладиган қисм тўпламларига ҳисобланувчи дейилади. Бу таърифлар табиий ҳолда ω натурал сонлар тўпламининг декарт даражали қисм тўпламлари ва кўп ўзгарувчили функциялар учун ҳам ўринли бўлади. ω натурал сонлар тўпламининг қисм тўплами шу тупламга мос ҳисобланувчи функцияънинг аниқланиш соҳаси бўлса ҳисобланувчи саналувчи дейилади.

Шунга тенг кучли (формалрок), агарда тўплам қандайдир алгоритм орқали ҳосил қилинса, унга ҳисобланувчи саналувчи дейилади. Бу таърифлар табиий ҳолда кўп ўринли муносабатлар учун ҳам ўринли бўлади.

Шуни таькидлаш жоизки, барча ҳисобланувчи тўпламлар ҳисобланувчи саналувчи бўлади, шунингдек, алгоритмлар назариясининг фундаментал факти ҳисобланувчи бўлмаган ҳисобланувчи саналувчи тўпламларнинг мавжудлиги.

1-таъриф. Агарда шундай ψ қисман – ҳисобланувчи функция мавжуд бўлиб, $(\forall x)\left[W_x \subset A \Rightarrow \left[\psi(x) \text{аникланган} \,\&\, \psi(x) \in A - W_x\right]\right]$ тенглик ўринли бўлса, A тўпламга *маҳсулдор тўплам* дейилади. ψ функцияси A тўплам учун *маҳсулдор функция* дейилади («маҳсулдорлик» термини Деккерга тегишли.)

Биз учун тўлдирувчиси маҳсулдор тўплам бўлган ҳисобланувчи саналувчи тўпламлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Бунақа тўпламлар Пост буйича ижодкорли (ёки креатив) тўпламлар деб аталади.

2-таъриф. Агар

1. A ҳисобланувчи саналувчи;

2. $\overline{A}$ маҳсулдор тўплам бўлса A - тўпламга *ижодкорли (ёки креатив)* тўплам дейилади

3-таъриф. Агар A сонли чексиз ва шунинг билан бирга ҳеч қандай чексиз ҳисобланувчи саналувчи тўплам унинг таркибига кирмайдиган тўпламга *иммун тўплам* дейилади. Демак, иммун тўпламлар ҳисобланувчи саналувчи ҳам, маҳсулдор тўплам ҳам бўла олмайди.

4-таъриф. Агар

1. A ҳисобланувчи саналувчи;

2. $\overline{A}$ чексиз;

3. $(\forall B)$[[B чексиз ва ҳисобланувчи саналувчи] $\Rightarrow B \cap A \neq \varnothing$] бўлса, A тўпламга содда тўплам дейилади.

Тўлдирувчиси иммун тўплам бўладиган ҳисобланувчи саналувчи сонли A тўпламни содда тўплам деб атаймиз.

Айтайлик N – саноқлидан кўп бўлмаган тўплам бўлсин. Сюрьектив $\nu\colon \omega \longrightarrow N$ акслантиришга N тўпламнинг нумерлаши дейилади, ν нумерлашнинг нумерлаш эквивалентлигига (яъни $\{\langle x, y\rangle \vee \nu x = \nu y\}$ тўплам) шу нумерлашнинг ядроси дейилади. Бунда (N, ν) жуфтлик нумерланган тўплам дейилади.

5-таъриф. Агар

$$\{\langle x, y\rangle | y \in \nu x, x \in \omega, \nu x \in \Re\}$$

тўплам ҳисобланувчи тўплам бўлса, ҳисобланувчи тўпламлар оиласи $\Re$ нинг ν нумерлашига тўлиқ ҳисобланувчи дейилади

Айтайлик, η -ихтиёрий эквивалентлик бўлсин.

η эквивалентликнинг характеристик транверсали ($tr(\eta)$деб белгиланади) деб, η-синфлардаги энг кичик бўлган барча сонлар тўпламига айтилади, яъни $tr(\eta)=\{x \mid \forall y(x=y(\mathrm{mod}\eta)\rightarrow x\leq y)\}$.

Σ сигнатурали универсал А алгебранинг θ конгруэнцияси деб, барча муносабат ва операцияларни сақловчи А даги ихтиёрий эквивалентликка айтилади, яъни

$$\forall f\in\Sigma\ \ \forall\bar{x}=\bar{y}(mod\ \theta)\ \Rightarrow f(\bar{x})=f(\bar{y})(mod\ \theta).$$

Агар алгебра тривиал бўлмаган (нуллик $id\ A$ ва бирликдан A^2 бошқа) конгруэнцияларга эга бўлмаса, у ҳолда унга конгруэнц-содда алгебра дейилади.

6-таъриф. Агар ҳисобланувчи Σ–операциялар оиласи I ва асосий ω тўпламли шундай ҳисобланувчи $(\omega;I)$ Σ–алгебра мавжуд бўлса, Σ сигнатурали А универсал алгебрага (кейинги қаторларда - фақат алгебра) η эквивалентлик устида аниқланган дейилади, яъни η фактор алгебраси η конгруэнцияси буйича А га изоморф бўлган $(\omega;I)$ ҳисобланувчи алгебранинг конгруэнцияси бўлади. (яъни $A\cong(\omega/\eta;I)$).

Агар нумерланган (A,μ) алгебрадан нумерланган (B,ν) алгебрага φ гомоморфизм номерларда ҳисобланувчи функция орқали берилса, унга ҳисобланувчи дейилади, яъни шундай f ҳисобланувчи функция мавжуд бўлиб, $\varphi\mu=\nu f$ тенглик бажарилса.

7-таъриф. Агар А алгебранинг ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи, тўлдирувчиси ҳисобланувчи саналувчи) ядроли нумерлаши мавжуд бўлса, унга ҳисобланувчи (позитив, негатив) тасвирланувчи дейилади.

Агар N тўпламининг N_0 қисм тўпламининг барча ν-номерлари ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) бўлса, N_0 тўпламга ν–ҳисобланувчи (ν-ҳисобланувчи саналувчи) дейилади, яъни N_0 ($\nu^{-1}N_0=\{x\vee\nu x\in N_0\}$) нинг тўлиқ ν -акси. (N,ν) нумерланган тўпламнинг чекли сондаги ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) қисм тўпламлари кесишмаси ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) бўлади, шунинг учун N тўпламнинг ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) қисм тўпламлар оиласи N да табиий топологияни ташкил этади, яъни ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) топология деб атаймиз, унга мос топологик фазога ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) топологик фазо дейилади.

Айтайлик (M,μ) ва (N,ν) −нумерланган тўпламлар ва $F\colon M\longrightarrow N$ акслантириш бўлсин. Агар F га шундай ҳисобланувчи f функция топилиб, $F\mu=\nu f$ тенглик бажарилса, у ҳолда F морфизм деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, M тўпламдаги барча элементларнинг ихтиёрий μ-номери орқали N тўпламдаги шу элементларнинг F −образининг ν-номерини ҳисоблаш мумкин бўлса, унга морфизм дейилади. Умумий нумерлаш назариясида қараладиган барча акслантиришлар морфизмлар ҳисобланади.

Агар $\alpha\subseteq\omega$ тўплам ҳар бир сон билан бирга уларнинг η – эквивалент бўлган элементларини ҳам ўз ичига олса, α тўпламга η – ёпиқ (топологик маънода эмас!) дейилади, яъни $x\in\alpha\wedge x=y(mod\eta)\rightarrow y\in\alpha$.

1-тасдиқ. Ихтиёрий нумерланган алгебрадаги амаллар ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) тўпламлар орқали ҳосил қилинган фазода узлуксиз бўлади.

8-таъриф. Агарда η эквивалентликнинг ҳар хил синфлардаги барча жуфтликлари мос η-ёпиқ ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) тўплам билан ажиратилса, бу эквивалентликга ҳисобланувчи (ҳисобланувчи саналувчи) ажралувчи дейилади.

9-таъриф. Агарда А алгебранинг ихтиёрий ҳар ҳил a_0, a_1 элементлари учун шундай (B, ν) К$-$ алгебра топилиб ва $\varphi: A \longrightarrow B$ гомоморфизм морфизм бўлиб, a_0, a_1 элементларнинг образлари бир-биридан фарқ қиладиган бўлса (яъни $\varphi(a_0) \neq \varphi(a_1)$), (A, μ) нумерланган алгебрага К-алгебралар билан аппроксимирланувчи дейилади.

1-теорема. Нумерланган алгебра фақат ва фақатгина негатив алгебралар билан аппроксимирланувчи бўлсагина ҳисобланувчи ажралувчи бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Алгебраларнинг чеклилик шарти билан ажралувчи тасвирлари**» деб номланиб, бу бобда трансляцион деярли тўла универсал алгебраларнинг барча хаусдорф тасвирлари негатив бўлиши, T_1-ажралувчи Хаусдорф бўлмаган тасвирга эга Артин панжарали конгруэнцияли бевосита ажралмайдиган алгебранинг мавжуд эканлиги ва барча T_1- ажралувчи тасвирлари ҳисобланувчи бўладиган содда алгебранинг мавжудлиги исботланган, T_1-ажралувчи, лекин Хаусдорф бўлмаган трансляцион деярли тўла универсал алгебрага мисол қурилган.

Биринчи параграфда ажралиш аксиомаларининг асосий таърифлари ва уларнинг негатив тасвирларининг ҳоссалари келтирилган.

10-таъриф. Агарда нумерлаш эквивалентликларининг модуллари буйича ҳар ҳил бўлган натурал сонларнинг барча жуфтликлари учун, иккинчи сонни ичига олмайдиган биринчи соннинг ҳисобланувчи саналувчи атрофи ва биринчи сонни ичига олмайдиган иккинчи соннинг ҳисобланувчи саналувчи атрофи мавжуд бўлса (бу сонларнинг кесишмайдиган ҳисобланувчи саналувчи атрофлари топилса; барча элементлар ва шу ҳисобланувчи саналувчи фазонинг ёпиқ тўпламининг кесишмайдиган ҳисобланувчи саналувчи атрофлари мавжуд бўлса; барча ёпиқ тўпламлар жуфтликларининг кесишмайдиган ҳисобланувчи саналувчи атрофлари топилса), у ҳолда бундай нумерлашга T_1-ажралувчи (T_2- ажралувчи; T_3- ажралувчи; T_4- ажралувчи) дейилади

Айтайлик $T_i -$ стандарт топологик аксиомалардан бири ($i \in \{0,1,2,3,4\}$) ва $\nu -$ А алгебранинг нумерлаши бўлсин.

11-таъриф. Агарда А тўпламда ҳисобланувчи саналувчи (ҳисобланувчи) $ker(\nu)$-ёпиқ тўпламлар орқали ҳосил қилинган топология T_i аксиомасини қаноатлантирса, ν нумерлашга T_i-ажралувчи (T_i-ҳисобланувчи ажралувчи) дейилади.

12-таъриф. Агарда конгруэнциянинг чексиз қатъий камаювчи (мос ўсувчи) занжири мавжуд бўлмаса, алгебранинг конгруэнция панжарасига Артин (Нётер) панжара дейилади.

Артин конгруэнцияли панжарага эга энг оддий мисол олдингисини топиш $P = \langle \omega, n \rangle$ алгебраси ҳисобланади, бу ерда p(n+1)=n, p(0)=0 (унинг ихтиёрий конгруэнцияси $\langle 0,1\rangle$ жуфтликни ўз ичига олади).

2-тасдиқ. Олдингисини топиш алгебрасининг барча T_2-ажралувчи нумерлашлари негатив тасвирланувчи бўлади.

Иккинчи параграфда Артин панжарали конгруэнцияга эга бўлган алгебраларнинг T_1-ажралувчи нумерлашларнинг ҳоссалари ўрганилган.

3-тасдиқ. P алгебра учун қуйидаги тасдиқлар ўринли:

(1) P Нётер бўлмаган Артин панжарали конгруэнцияга эга;

(2) P алгебрасининг панжара конгруэнцияси $\omega + 1$ га изоморф бўлади;

(3) P алгебрасининг қисм алгебраларининг панжараси ҳам $\omega + 1$ га изоморф бўлади;

(4) Барча нуль эмас θ конгруэнция буйича P/θ фактор-алгебралар P га изоморф бўлади;

(5) P алгебрасининг автоморфизмлар группаси тривиал бўлади.

Иккинчи бобнинг учунчи параграфида трансляцион деярли тўла универсал алгебраларнинг барча Хаусдорф тасвирлари негатив бўлиши ва барча T_1- ажралувчи тасвирлари ҳисобланувчи бўладиган содда алгебранинг мавжудлиги исботланган,

13-таъриф. Агарда алгебранинг ҳар хил элементларидан тузилган барча тартибланган жуфтликлари ихтиёрий бошқа ҳар хил элементлардан олинган тартибланган жуфтликка мос трансляция орқали ўтса, у ҳолда бундай алгебрага трансляцион тўлиқ алгебра дейилади.

4-тасдиқ. Барча бўлиниш халқалари трансляцион тўлиқ алгебра бўлади.

14-таъриф. Агарда алгебранинг шундай ҳар хил элементларидан тузилган тартибланган жуфтликлари топилиб, ихтиёрий бошқа ҳар хил элементлардан олинган тартибланган жуфтликка мос трансляция орқали ўтса, у ҳолда бундай алгебрага трансляцион деярли тўлиқ алгебра дейилади.

2-теорема. Трансляцион деярли тўла алгебраларнинг барча T_2-ажралувчи нумерлашлари негатив тасвирланувчи бўлади.

1-натижа. Трансляцион деярли тўла алгебраларнинг барча позитив тасвирланувчи нумерлашлари ҳисобланувчи бўлади.

2-натижа. Ихтиёрий бўлиниш халқасининг барча ажралувчи нумерлашлари негатив тасвирланувчи бўлади.

5-тасдиқ. Позитив ва негатив эквивалентликлар текис ҳисобланувчи саналувчи T_2-ажралувчи бўлади.

$\varphi(x,x,z) = z,\ \varphi(x,z,z) = x$ тенгликни қаноатлантирадиган алгебрага Мальцев алгебраси деймиз, бу ерда $\varphi -$ берилган алгебра сигнатурасидаги термал кўпҳад ҳисобланади.

Қуйидаги $M = (\omega; f)$ алгебрани қараймиз, бунда $x = y$ бўлса $f(x,y,z) = z$ ва $x \neq y$ бўлса $f(x,y,z) = x$ бўлади. M – алгебранинг Мальцев алгебраси эканлиги аниқ.

6-тасдиқ. M алгебраси содда, лекин трансляцион деярли тўла бўлмаган алгебра бўлиб унинг барча T_1-ажралувчи нумерлаши ҳисобланувчи бўлади.

Тўртинчи параграфда T_1-ажралувчи Хаусдорф бўлмаган тасвирга эга Артин панжарали конгруэнцияли бевосита ажралмайдиган алгебранинг мавжуд эканлиги ва T_1-ажралувчи, лекин Хаусдорф бўлмаган трансляцион тўла олди универсал алгебрага мисол қурилган.

3-теорема. Негатив тасвирланувчи бўлмаган T_1-ажралувчи нумерланган бевосита ажралмайдиган алгебра мавжуд.

3-натижа. Негатив тасвирланувчи бўлмаган T_1-ажралувчи нумерланган конгруэнцияси артин панжарали бевосита ажралмайдиган алгебра мавжуд.

4-натижа. Негатив тасвирланувчи бўлмаган T_1 $-$ажралувчи нумерланган трансляцион деярли тўлиқ алгебра мавжуд.

Диссертациянинг учинчи боби **«Тасвирларнинг компактли кенгайтмалари, маҳсулдорлик турининг ҳоссалари ва негатив эквивалентликлар устида алгебралар»** деб номланиб, бу бобда барча чексиз сондаги синфларга эга бўлган эквивалентликларнинг ҳисобланувчи саналувчи фазолари модули бўйича компакт бўладиган чексиз кенгайтмаси мавжуд эканлиги исботланди.

Агарда η-ёпиқ тўплам чексиз (чекли) сондаги η-эквивалентлик синфлардан ташкил топган бўлса, унга η-чексиз (η-чекли) дейилади. Ҳудди шунингдек, агар тўпламнинг тўлдирувчиси чексиз (чекли) сондаги η-эквивалентлик синфлардан ташкил топган бўлса, унга кочексиз (кочекли) тўплам деймиз.

η_0 эквивалентлик кенгайтмаси деб η_0 эквивалентликни ўз ичига олган ихтиёрий η_1 эквивалентликка айтилади, яьни $\eta_0 \subseteq \eta_1$.

1-лемма. Агар $\alpha - \eta_1$-ёпиқ тўплам бўлиб, η_1 эквивалентлик η_0 эквивалентликнинг кенгайтмаси бўлса, у ҳолда α η_0-ёпиқ ҳам бўлади.

4-теорема. ω натурал сонлар тўпламидаги барча чексиз эквивалентликлар ҳисобланувчи саналувчи (ҳисобланувчи) фактор – фазоси модули бўйича компакт бўладиган чексиз кенгайтмага эга.

1-эслатма. Компактли бўлган ҳисобланувчи саналувчи η^*-фазо компакт бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ихтиёрий $\alpha \in \omega$ тўплам учун ω натурал сонлар тўпламида аниқланган $\eta(\alpha)$ эквивалентлик деб қуйидаги эквивалентликни белгилаймиз:

$$\eta(\alpha) = \alpha^2 \cup id\omega.$$

$\alpha \subseteq \omega$ тўплам устида аниқланган ҳисобланувчи саналувчи (ҳисобланувчи) фазо деб, ҳисобланувчи саналувчи (ҳисобланувчи) $\eta(\alpha)$-фазога айтамиз ва $X_{eff}(\alpha)$ (мос равишда $X_{comp}(\alpha)$) деб белгилаймиз.

7-тасдиқ. Ихтиёрий $\alpha \subseteq \omega$ тўплам учун қуйидагилар тенг кучли:

(1) α тўпламнинг тўлдирувчиси иммун тўплам ёки чекли тўплам бўлади;

(2) $X_{comp}(\alpha)$ фазо - компакт;

(3) барча $\eta(\alpha)-$алгебра финит аппроксимирланувчи.

8-тасдиқ. (1) Агар α тўпламнинг тўлдирувчиси иммун тўплам бўлса, у ҳолда барча $\eta(\alpha)$-алгебра финит аппроксимирланувчи;

(2) агар $X_{eff}(\alpha)$-компакт бўлса, у ҳолда α тўпламнинг тўлдирувчиси иммун тўплам бўлади;

(3) шундай тўлдирувчиси иммун бўлган $\alpha \subseteq \omega$ тўплам мавжуд бўлиб, $X_{eff}(\alpha)$-фазо дискрет бўлади.

15-таъриф. Агарда шундай ψ қисман ҳисобланувчи функция мавжуд бўлиб, барча $W_x \subseteq \alpha$ учун $\psi(x)$ қиймат аниқланган ва $W_x \subseteq W_{\psi(x)} \subseteq \alpha \wedge W_{\psi(x)} \backslash W_x \neq \emptyset$ тенглик бажарилса $\alpha \subseteq \omega$ тўпламга яриммаҳсулдор тўплам дейилади. Маълумки, яриммаҳсулдор тўпламлар синфи маҳсулдор тўпламлар синфининг ҳусусий кенгайтмаси ҳисобланади.

16-таъриф. Агарда шундай қисман ҳисобланувчи ψ функция мавжуд бўлиб, ўзининг характеристик x индекси билан берилган барча ҳисобланувчи $R_x \subseteq \alpha$ тўпламлар учун $\psi(x)$ қиймат аниқланган ва $\psi(x) \in \alpha \backslash R_x$ бўлса α тўпламга ҳисобланувчи – маҳсулдор тўплам дейилади.

Маҳсулдор тўпламлар, яриммаҳсулдор тўпламлар, ҳисобланувчи-маҳсулдор тўпламлар ва ҳисобланувчи саналувчи чексиз тўпламлар синфларини мос П, $Semi -$ П, $Comp -$ П, $Eff - Inf$ орқали белгилаймиз.

9-тасдиқ. П $\subset Semi -$ П $\subset Comp -$ П $\subset Eff - Inf$. Барча ўз ичига олиш амаллари ҳусусий ҳисобланади.

5-теорема. Трансляцион тўла универсал алгебра ихтиёрий негатив эквивалентлик устида тасвирланади.

5-натижа. Трансляцион деярли тўла универсал алгебра ихтиёрий негатив эквивалентлик устида тасвирланади.

ХУЛОСА

Диссертация ишида универсал алгебраларнинг ажралувчи тасвирларидан ҳосил қилинган топологик фазолари ўрганилди ва ажралувчи эквивалентликлар устида чекли бўлиш шарти билан аниқланган алгебраларнинг тасвирланиши ҳақидаги саволлар ва бу фазоларнинг муҳимроқ синф остиларини (қисман ҳисобланувчи саналувчи) ажралувчи, позитив ва негатив тасвирланишларни қўшган ҳолда тадқиқот иши олиб борилди.

Диссертация ишида қуйидаги асосий натижалар олинди:

1. Трансляцион деярли тўла универсал алгебралар тушунчаси киритилди ва уларнинг классик чекли бўлган алгебралар билан муносабати ўрганилди;
2. Трансляцион деярли тўла универсал алгебраларнинг барча Хаусдорф тасвирлари негатив бўлиши исботланди;
3. T_1-ажралувчи, лекин Хаусдорф бўлмаган трансляцион деярли тўла универсал алгебрага мисол қурилди;
4. T_1-ажралувчи Хаусдорф бўлмаган тасвирга эга артин панжарали конгруэнцияли бевосита ажралмас алгебранинг мавжуд эканлиги исботланди;
5. Барча T_1- ажралувчи тасвирлари ҳисобланувчи бўладиган содда алгебранинг мавжудлиги исботланди;
6. Барча чексиз сондаги синфларга эга бўлган эквивалентликларнинг ҳисобланувчи саналувчи фазолари модули бўйича компакт бўладиган чексиз кенгайтмаси мавжуд эканлиги исботланди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В.И.РОМАНОВСКОГО

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХОДЖАМУРАТОВА ИНДИРА АЗАТОВНА

ЭФФЕКТИВНЫЕ ТОПОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОСТРАНСТВА НАД АЛГОРИТМИЧЕСКИМИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯМИ УНИВЕРСАЛЬНЫХ АЛГЕБР

01.01.06 – Алгебра

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.1.PhD/FM594.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу http://kengash.mathinst.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу http://www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Касымов Надимулла Хабибуллаевич** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Файзрахманов Марат Хайдарович** доктор физико-математических наук
	Худойбердиев Аброр Хакимович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Институт математики им. С.Л.Соболева (Россия)

Защита диссертации состоится « 10 » января 2023 года в 16:00 на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 при Институте Математики имени В.И.Романовского. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9.Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Математики имени В.И.Романовского (зарегистрирована за № 155). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9.Тел.: (+99871) 207-91-40).

Автореферат диссертации разослан « 26 » декабря 2022 года.
(протокол рассылки № 2 от « 26 » декабря 2022 года).

У.А.Розиков
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.К.Адашев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

Б.А.Омиров
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время поиск эффективных алгоритмических представлений абстрактных моделей и изучение их алгебраических свойств являются одной из актуальных проблем теории алгоритмов и информатики. Универсальные алгебры чрезвычайно важны в математике и естествознании, поэтому эта проблема требует изучения алгоритмических и алгебраических свойств универсальных алгебр. Алгоритмические, топологические и алгебраические свойства универсальных алгебр открывают широкие возможности для эффективного использования в теоретической информатике. Эффективные (алгоритмические) топологии играют важную роль как в абстрактной теории вычислимости, так и в смежных областях.

А.И. Мальцевым было показано, что всякая позитивная нумерация конечно порожденной алгебры, обладающей ненулевыми конгруэнциями только конечного индекса, является разрешимой, что поставило вопрос о справедливости данного утверждения в общем случае (без условия конечной порожденности). Все вычислимо отделимые представления алгебр, обладающих свойствами подпрямой неразложимости, артиновости для решеток конгруэнций или трансляционной предполноты, являются негативными (т.е. лежат в классе Π_1^0), т.к. в случае вычислимо отделимых нумераций соответствующие топологические пространства являются T_4-пространствами. Для отделимых представлений все такие нумерации – эффективно отделимы, т.е. лежат в классе Π_2^0. Однако вопрос о существовании отделимых представлений алгебр с условиями минимальности в разности $\Pi_2^0 \setminus \Pi_1^0$ уже долгое время остается открытым.

В нашей стране особое внимание уделяется изучению структурной теории математической логики и теории алгоритмов. Эта теория является одним из актуальных направлений научного и практического применения фундаментальных наук. Известно, что основной класс теории алгоритмов представляют вычислимо отделимые алгебры. В последние годы были получены значительные результаты по нахождению хороших алгоритмических представлений универсальных алгебр. Исследования на уровне мировых стандартов по приоритетным направлениям дисциплин «Алгебра, теория алгоритмов и теория вычислимости» обозначены как основные цели и направления научных исследований[1]. В целях использования полученных результатов в смежных областях науки важным считается определение алгоритмических представлений вычислимо отделимых универсальных алгебр с условиями конечности.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП–4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему

[1] Постановление Кабинета Минстров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

развитию Республики Узбекистан», в постановлениях №ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В.И. Романовского Академии Наук Республики Узбекистан» и №ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики» и в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

